


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5231500 – Баҳолаш иши бакалаврият таълим  
йўналишининг малака талаблари

Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент молия институти.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 5231500 – Баҳолаш иши таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 5231500 – Баҳолаш иши бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи .....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1. 5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
1.2.1. 5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. 5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1. Умумий компетенциялар.....	6
2.2. Касбий компетенциялар.....	6
2.3. Касбий квалификациялар.....	7
3. 5231500 – Баҳолаш иши бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	7
3.1. 5231500 – Баҳолаш иши бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....	7
3.2. 5231500 – Баҳолаш иши бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми .....	7
Библиографик маълумотлар.....	8

## **1. 5231500 – Баҳолаш иши бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**5231500 – Баҳолаш иши** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Фан дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган талабага «бакалавр» даражаси ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) - тегишли йўналиши бўйича квалификацияси киритилган «диплом» иловаси билан берилади. Иқтисод таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишларининг битирувчилари магистратура мутахассислиги бўйича ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси.**

**1.1.1. 5231500 – Баҳолаш иши** таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **5231500 – Баҳолаш иши** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасаларининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим муассасаларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим муассасаларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 5231500 – Баҳолаш иши** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

**1.2.1. 5231500 – Баҳолаш иши** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

**5231500 – Баҳолаш иши** бакалаврият таълим йўналиши – иқтисод соҳасидаги йўналиш бўлиб, у бизнес ва турли хил мулк қийматини баҳолаш жарёнларида қўлланиладиган ёндашув, усул ва воситалар мажмуини камраб олади.

**1.2.2. 5231500 - Баҳолаш иши** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- Ўзбекистон Республикасининг Давлат активларини бошқариш агентлиги;

- Ўзбекистон Республика Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси;

- Ўзбекистон баҳоловчилар жамияти;

- тижорат банклари, турли мулкчилик шаклидаги корхоналар, компаниялар;

- ахборот ва рейтинг агентликлари;

- товар ва хом-ашё бозорлари;

- баҳолаш компаниялари.

- консалтинг фирмалари.

### **1.2.3. 5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- ташкилий-бошқарув;
- молиявий-иқтисодий;
- ахборот- таҳлил;
- илмий-тадқиқот;
- тадбиркорлик.

### **1.2.4. 5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг б-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофик бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– мулк қийматини баҳолаш ҳақида вазифани белгилаш ва объектни баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш;

- мулк қийматини баҳолаш объектини идентификация қилиш;
- мулк қийматини баҳолаш бўйича ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш;
- мулк қийматини баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш;
- мулк қийматини баҳолаш натижаларини, қўлланилган баҳолаш ёндашувларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблаш;
- мулк қийматини баҳолашда қўлланилган ёндашувлар натижаларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблаш;
- мулк қийматини баҳолаш ҳақидаги ҳисоботни тузиш.

#### **Молиявий-иқтисодий фаолиятда:**

- баҳолаш ишига оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларини билиши, “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонундан фойдалана олиши;

- баҳолашнинг халқаро стандартларини ўрганиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандартлари билан уйғунлаштириш;

- мулк қийматини баҳолашни амалга ошириш тартибини, баҳолаш ёндашувлари ва усулларини, баҳолаш натижаларини расмийлаштиришга қўйиладиган талабларни ўрнатувчи нормалари ва қоидаларини билиши ва ўз фаолиятида фойдалана олиши;

- мулк қийматини баҳолашнинг ҳолисоналигига ва унинг сифатини оширишга қўмаклашишга қаратилган тартиботларни белгилаши;

- бошланғич дастлабки ахборотга, баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот мазмунига ва материални баён этишга қўйиладиган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар ҳар хил талқин қилинишини истисно этадиган талабларни белгилаши;

- иқтисодиёт субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини қўллаши;

- мулк қийматини баҳолашнинг самарали миллий тизимини шакллантиришга қўмаклашиши;

- иқтисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш.

#### **Ахборот-таҳлил фаолиятида:**

- мулк қийматини баҳолашда маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиши;

- иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириши;

- мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиши;

- мулк бозори кўрсаткичиларининг ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиши;

- молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаши;
- таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш.

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;
- илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш.

#### **Тадбиркорлик фаолиятида:**

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
- фирмани реструктуризация қилиш, бизнесни баҳолаш, бизнесни сотиш ва сотиб олиш юзасидан маслаҳат хизматларини кўрсатиш.

## **2. 5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллаш билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллаш билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;
- корпоратив ахборот тизимларини, молиявий-иқтисодий таҳлил ва молиявий ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш;
- стратегик таҳлил қилиш, рақобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- активларни баҳолаш, айланма маблағларни бошқариш, дивиденд сиёсати ва капитал тузилмасини шакллантиришда молиявий бошқарувнинг асосий усулларини

- стратегик таҳлил қилиш, рақобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- активларни баҳолаш, айланма маблағларни бошқариш, дивиденд сиёсати ва капитал тузилмасини шакллантиришда молиявий бошқарувнинг асосий усулларини кўллаш билиш;

- лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномалар тузиш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- макроиктисодий муҳитни, бозор ва унга хос хатарларни, рақобат муҳитини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- бизнес ва мулкни баҳолашда, шунингдек, бошқарув қарорларини қабул қилишда, уларни аниқ бошқарув вазифаларига мослаштириш орқали иқтисодий, молиявий ва ташкилий-бошқарув моделларини шакллантиришда миқдорий ва сифатли таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

- бизнес жараёнларини моделлаштириш, бизнес юритишнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини баҳолаш, янги бозор имкониятларини аниқлаш ва янги бизнес моделларини шакллантиришни билиш;

- янги ташкилотларни (фаолият йўналишлари, маҳсулотлари) яратиш ва ривожлантириш учун бизнес режалаштириш кўникмаларига эга бўлиш.

### **2.3. Касбий квалификациялар:**

Баҳоловчи, кўчмас мулк қийматини баҳоловчи, кўчар мулк қийматини баҳоловчи, бизнес қийматини баҳоловчи, қимматли қоғозлар қийматини баҳоловчи, риэлтор, бизнес-режа тузувчи, хусусийлаштириш жараёнида давлат мулкни баҳоловчи, молия органлари иқтисодчиси, молиявий маслаҳатчи, инвестиция лойиҳалари қийматини баҳоловчи, молиявий рискларни баҳоловчи квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

## **3. 5231500 – Баҳолаш иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

### **3.1. 5231500 – Баҳолаш иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар**

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашни таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Махсус фанлар”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

### **3.2. 5231500 – Баҳолаш иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*	Кечки таълим шакли учун*	Сиртки шакли таълим учун*
Назарий ва амалий таълим*	40-60%	40-60%	40-60%
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	-	15-35%	25-45%
Аттестация	6-8%	6-8%	6-8%
Таътил	10-30%	10-30%	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%	15-30%	15-30%
Битирув малакавий иши	2-3%	2-10%	2-10%

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

мулк, мулк қиймати, баҳолаш, мулк экспертизаси, мулкни баҳолаш хизматлари бозори, мулкка эгалик ҳуқуқлари, мулккий комплекс, кластер, баҳо ва нарх, турли мулк объектлари қийматини баҳолаш, баҳолашнинг методологик асослари, баҳолаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, кўчмас мулк қийматини баҳолаш, кўчар мулк қийматини баҳолаш, бизнес қийматини баҳолаш, номоддий активлар қийматини баҳолаш, интеллектуал мулк қийматини баҳолаш, қимматли қоғозлар қийматини баҳолаш, баҳолаш ёндашувлари ва усуллари, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган олий таълим муассасалари  
ҳамда кадрлар истеъмолчилари

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Тошкент молдия институти

Ректор в.в.б.  С.В. Мехмонов

2020 йил « 25 07 »



**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
ҳузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш таъқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети



Директор  З.Т. Ҳақимов

202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_



 К.А. Шарипов

» \_\_\_\_\_



“VERITAS” МЧЖ  
Баҳолаш ташкилоти

Директор  З.З. Нигманханов

202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_



“OMEGA CONSULT” МЧЖ  
Директори

 С.З. Аллабердиев

202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.

М.Ў.

Тошкент молия институтининг “5231500 – Баҳолаш иши”  
бакалаврият таълим йўналиши бўйича малака талаби ва ўқув режасини  
ишлаб чиқувчилар ҳамда кадрлар истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

“ ” \_\_\_\_\_ 201\_\_ й.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори З.Хакимов, “VERITAS” МЧЖ директори З.Нигманханов, “OMEGA CONSULT” МЧЖ директори С.Аллабердиев ва Тошкент молия институтининг ректори в.в.б. С.Меҳмонов, мазкур келишув далолатномасини қўйидагилар ҳақида туздик:


1. “5231500 – Баҳолаш иши” бакалаврият таълим йўналишининг малака талаби ва ўқув режаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-3151-сон, 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сон Қарорлари, 2018 йил 1 июндаги “Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3764-сонда ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 357-сонли буйруғига асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази ҳамда Тошкент молия институтининг томонидан ишлаб чиқилган.

2. “5231500 – Баҳолаш иши” бакалаврият таълим йўналишининг малака талаби ва ўқув режасини ишлаб чиқишда “VERITAS” ва “OMEGA CONSULT” баҳолаш компаниялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини Ривожлантириш маркази мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. “5231500 – Баҳолаш иши” бакалаврият таълим йўналиши кадрлар истеъмолчилари “VERITAS” ва “OMEGA CONSULT” баҳолаш компаниялари мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Асосий кадр истеъмолчи сифатида, юқорида кайд этилган баҳолаш компаниялари мутахассисларининг таклифлари “5231500 – Баҳолаш иши” бакалаврият таълим йўналишининг малака талаби ва ўқув режасини мукаммаллаштиришда инобатга олинди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур малака талаблари ва ўқув режаларини ўқув жараёنларига татбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Тошкент молия институтининг  
ректору в.в.б.



А.МУХОМОВ

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг ҳузуридаги Олий  
таълимни ривожлантириш  
тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ  
этиш маркази директори


З.ХАКИМОВ

“VERITAS” МЧЖ  
Директори



З.НИГМАНХАНОВ

“OMEGA CONSULT” МЧЖ  
Директори



С.АЛЛАБЕРДИЕВ

**5231500-“Баҳолаш иши” бакалаврият таълим йўналиши учун янгидан яратилаётган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари**

t/p	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)*	номи	
	Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)		
1	5231500 Баҳолаш иши	<p><b>Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- баҳолаш ишига оид Ўзбекистон Республикаси қонуни талаблари: “Ўзбекистон Республикаси баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонунидан фойдалана олиши;</li> <li>- Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандартларидан фойдалана олиши;</li> <li>- мулклар қийматини баҳолашни амалга ошириш тартибини, баҳолаш ёндашувлари ва усулларини, баҳолаш натижаларини расмийлаштиришга қўйиладиган талабларни ўрнатувчи нормалари ва қоидаларини билиши ва ўз фаолиятида фойдалана олиши;</li> <li>- мулк қийматини баҳолашнинг ҳолисоналигига ва унинг сифатини оширишга қўмаклашишга қаратилган тартиботларни белгилаши;</li> <li>- бошланғич дастлабки ахборотга, баҳолаш тўғрисидаги хисобот мазмунига ва материални баён этишга қўйиладиган баҳолаш тўғрисидаги хисоботлар ҳар хил талқин қилинишини истисно этадиган талабларни белгилаши;</li> <li>- мулк қийматини баҳолашнинг самарали миллий тизимини шакллантиришга қўмаклашиши;</li> <li>- иктисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқа олиши;</li> <li>- мулк қийматини баҳолашда маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиши;</li> <li>- иктисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириши;</li> <li>- мулкчилик шаклидан қатъий назар қорхоналар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари,</li> </ul>	

меёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиши;

- мулк бозори кўрсаткичларининг ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиши;
- таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдалана олиши;
- мулк қийматини баҳолаш ҳақида вазифани белгилаш ва объектни баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш;
- мулк қийматини баҳолаш объектини идентификация қилиш;
- мулк қийматини баҳолаш бўйича ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш;
- мулк қийматини баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш. асослаш ва қўллаш;
- мулк қийматини баҳолаш натижаларини.. қўлланилган баҳолаш ёндашувларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг яқиний қийматини ҳисоблаш;
- мулк қийматини баҳолашда қўлланилган ёндашувлар натижаларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг яқиний қийматини ҳисоблаш.
- мулк қийматини баҳолаш ҳақидаги ҳисоботни тузиш қобилиятига эга бўлиш керак;
- буюртмачи ва баҳоловчи ташкилот ўртасида тузилган шартномага мувофиқ баҳолаш объектини қийматини аниқлаш;
- мулк қийматини баҳолаш объект маълумотларини тўллаш ва таҳлил қилиш;
- тўланган маълумотлар асосида баҳолаш ёндашувини танлаш ва қўллаш;
- баҳолаш ёндашувларини қўллаган ҳолда, баҳолаш объектини қийматини аниқлаб, яқиний ҳисоботни тузиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Тошкент молия институтининг  
ректори в.в.б.


“VERITAS” МЧЖ  
директори

“OMEGA CONSULT”  
МЧЖ директори

С.Меҳмонов

З.Нигманханов

С.Аллабердиев



Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган  
5231500 – “Баҳолаш иши” таълим йўналишининг малака талабларига

**ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

1. Мазкур 5231500 – “Баҳолаш иши” таълим йўналишининг малака талаблари “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади, вазифалари ва коидаларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган. Малака талаблари таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишга, “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлашга, шунингдек, таълим-тарбияга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини мукамал амалга оширилишига қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-3151-сонли Қарорларида ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 357-сонли буйруғида келтирилган қатор вазифаларни ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган.

2. Малака талаблари дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний кадриятлар тамойиллари, шу жумладан: таълимнинг устуворлиги унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи; таълимнинг инсонпарварлашуви, инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий кадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви; таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш; таълимнинг миллий йўналтирилганлиги, таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълим ва тарбиянинг узвий боғликлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги; иктидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида,

изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳисобга олинди.

3. Малака талаблари асосида таълим олувчиларда аудит соҳасида чуқур билим, ижодий қобилиятни намоён этиш, мустақил фикрлаш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, илғор технология соҳасида педагог кадрларнинг малакаси бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам равишда ошириб бориш ҳамда юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

4. Мазкур 5231500 – “Баҳолаш иши” таълим йўналишининг малака талаблари халқаро тажриба, кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни рағбатлантириш, кадрлар тайёрлаш ва биргаликдаги илмий ишланмаларни яратишда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлашни қўллаб-қувваш, фаннинг ривожланиш даражаси ва илғор ютуқлари, иктисодиётни модернизациялаш шароитида кадрларга нисбатан амалиётда қўйиладиган талаблар, олий таълимни жаҳон тенденциясидаги ривожланган мамлакатларнинг билан қиёсий таққослаш асосида ҳисобга олинган ҳолда илмий асосланган.

5. Таълим турлари ва босқичлари бўйича мутахассислик малака талабларининг келишилганлиги ва изчиллиги, таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги, давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги, таълим ва тарбия жараёнининг мустақил фикрлайдиган, қарорлар қабул қилишга қодир, ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилганлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мужассамлигини таъминлашга қаратилди. Хусусан, 5231500 – “Баҳолаш иши” таълим йўналиши учун малака талаблари ва ўқув режаларида кадрлар истеъмолчилари сифатида “VERITAS” ва “OMEGA CONSULT” баҳолаш компаниялари мутахассислари таклифлари асосида қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

6. Ўқув юкламаси оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда таълимнинг табақалаштириш имкониятлари, ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувини жорий этиш; таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услугий мажмуаларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш ҳисобга олинди.

7. Таълим олувчиларни тайёрлашда янги ижтимоий-иктисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи ҳуқуқий, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш, таълим фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари ва тартиботи белгиланган меъёр-қоидаларга мослигига эришилди.

8. Малака талабларининг технологиклиги – унинг бажарилишини назорат қилиш ва унинг меъёрлари ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, Мазкур 5231500 – “Баҳолаш иши” таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

9. Мазкур 5231500 – “Баҳолаш иши” таълим йўналишининг малака талабларига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти (фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграцияни таъминлаш, таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантириш) фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди.

10. 5231500 – “Баҳолаш иши” таълим йўналиши малака талаблари Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими ва “Иқтисод” таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти (Ўзстандарт агентлиги, 30.10.2015 й, № 5927) қоидалари талабларига, шу жумладан, стандартлаштиришнинг асосий мақсадларига, республикада стандартлашга доир ишларни мақбул даражада ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлаш функциясига, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари таълим дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ҳамда битирувчиларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талабларига тўлиқ мос келади.

**“Баҳолаш иши ва инвестициялар”**  
кафедраси мудири, и.ф.н.



**Э.Носиров**

5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича малака талабнинг халқаро миқёсдаги бошқа таълим стандартлари билан қиёсий таққослан

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси	Америка Қўшма Штатлари BS in Real Estate дастури New York University, School of Professional Studies	Америка Қўшма Штатлари BS in Real Estate Property Management дастури University of Wisconsin
1.	Назарий таълим	Ўқув режада белгиланган соатлар ва намунавий ўқув дастуридаги мавзулар бўйича ўтказилади	Таълим жараёнида мажбурий ва танлов фанлари “кредит”лар тарзида белгиланган	Таълим жараёнида мажбурий ва танлов фанлари “кредит”лар тарзида белгиланган
2.	Амалий таълим	Ўқув дастурида кўрсатилган мавзулар ва уларга ажратилган соатлар бўйича		
3.	Илмий – тадқиқот ишлари	Талабалар танлаган мавзуси бўйича диссертация ишини амалий маълумотлар асосида амалга оширади. Кафедра ёки бошқа ишлаб чиқариш муассасалари ходимлари илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий излашни давомда илмий мақолалар, тезислар ёзиш, республика ва халқаро илмий анжуманларда иштирок этиш ва маъруза қилиш билан шугулланадилар. Бундан ташқари улар таълим жараёнида педагогик иш билан машғул бўладилар	8 семестр бошида талабалар шахсий лойиҳаларини бажаришни бошлайди	Тадқиқотни бажаришга тўлиқ курсни ўтаган талабаларга рухсат этилади. Тадқиқотни Жоржтовн университети, тадқиқодлар мактаби профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида бажарилади. Битирув малакавий иш компанияда ўтаган амалиёт натижаларига ёки университет шаҳарчасида амалга оширилган тадқиқот натижаларига асосланиши мумкин.
4.	Мустақил таълим	Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа жойларда яратилган шароитлардан (таркатма материаллар, амалий маълумотлар, кутубхона, интернет тармоғи) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.	Мустақил таълим алоҳида назарда тутилмаган. Чунки бу таълим “кредит”лар тарзида амалга оширилади	Мустақил таълим алоҳида назарда тутилмаган. Чунки бу таълим “кредит”лар тарзида амалга оширилади
5.	Таълим жараёнида баҳолаш	Талабаларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш бакалавриатура рейтинг тизими асосида жорий, оралик, якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намойиш этиш кўринишида талаб қилинади.	Лойиҳаларини химоя қилиш орқали курс якунланади. Узлуксиз баҳолаш тизими назарда тутилмаган.	Таълим жараёни тест асосида назорат қилиб борилади. Тест сновлари 3 соат 30 дақиқа давом этади. Биринчи 90 дақиқада иктисодиёт бўйича элементлар билимлар текширилади. 30 дақиқалик танафусдан сўнг чизикли алгебра, эҳтимоллар назарияси ва статистика бўйича элементар билимлар текширилади. Тестлар инглиз тилида ўтказилади. Тест сновлари танланма асосида ўтказилмайди.



1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26		
2.06	MANM2209	Менежмент, Маркетинг	270	120	60	60				150					4	4					5	4			9		
2.07	STAT2209	Статистика	270	120	60	60				150			4	4						4	5				9		
2.08	ECM3205	Эконометрика	150	60	30	30				90					4						5				5		
2.09	ESA3208	Иқтисодий таълим	240	120	60	60				120					4	4					4	4			8		
2.10	PAH4207	Солиқлар ва солиқсиз тортиш	210	90	46	44				120					4	2							4	3	7		
2.11	INS4208	Сугурта иши	240	120	60	60				120					4	4							4	4	8		
2.12	INB209	Инвестиция ва инновациялар	270	120	60	60				150					4	4									9		
	INS	Таълим фони	420	210	106	104				210					6	7					6	7			14		
3.00	SS	Ихтисослик фанлари	1830	810	406	404				1020		4	4	4	8	12	10	12		6	6	5	8	12	13	11	61
3.01	VAL1323	Баҳолаш иши	690	300	150	150				390		4	4	4	4					6	6	5	4	2		23	
3.02	JAS3315	Халқаро стандартлари	450	180	90	90				270						4	4	4								15	
3.03	VPS3307	Интеллектуал мулкни баҳолаш	210	120	60	60				90					4	4						4	3			7	
	PS	Таълим фони	480	210	106	104				270						6	8							8	8	16	
4.00	AS	Кўшимча фанлар	150	60	30	30				90				4												5	
	JAM	Жамми	6900	100	3120	1386	1614	30	90	3780	26	26	26	26	26	26	26	26	30	30	28	30	26	30	26	230	
	QPR23410	Маънавий ва педагогик амалиётлар	300																		2	4				10	
	ESA	Яқуний давлат аттестацияси																									
	ATP	Аттестация																									
	JAM	Жамми	300																								
	JAMMASH	Жамми	7200																								

**Июх:**

1. 1 кредит 30 академик соатни ташкил қилади.
2. Харбий тайёрларлик машғулотлари кўшимча фанлар блокнинг соатлари ҳисобига, харбий йилнинг 2-3 таълим вақти ҳисобига ўтказилади. Харбий тайёрларлик машғулотлари ўтказилмайдиган ҳолатларда ушбу блокдан мундари божори ва кадрлар буюртмачиларнинг талабларига мосланувчанлиги ва ҳаракатчанлигини таъминловчи фанлар ОУМ Кенгаши қарори билан белгиланади.
3. Ўқув режа асосида илчи ўқув режасини тузишда талабалар юкласининг ҳафталик ҳажмининг сақлаган ҳолда ўқув фанлари блокни ҳажмини 5 фойгагача, блоклар тарқабда и фанлар ҳажмини 10 фойгагача ўзгартириш ҳамда аудитория юкласининг умумий ҳажмини сақлаган ҳолда айрим семестрларда ҳафталик юкласининг ўзини белгилаш мумкин.
4. Яқуний давлат аттестацияси муҳлатлари тарқабга бигирув маънавий ишнини ҳимоя қилиш ҳам қилади.
5. Ўқув режага киритилмаган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.
6. Назария ва амалиёт яқунлигини таъминлаш учун талабаларнинг маънавий амалиётлари: базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Ўқув жараёнининг тарқибий кимслари	Ҳафталар сони	Семестр	Давлат аттестацияси
Назарий ва амалий таълим	120	1-8	
Маънавий амалиёт	22	2,4,6,8	Бигирув маънавий ишнини ҳимоя қилиш ёки ихтисослик фанларидан Давлат аттестацияси
Аттестациялар	21	1-8	
Яқуний давлат аттестациялари	4	8	
Тавсиялар	37	1-8	
Жами	204		

Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти Бош бошқармаси бошлиги

С. Ниязбеков

Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиги

О. Базаров

ОТРНТЭМ директори

З. Ҳакимов

ТМН ўқув ишлари бўйича проректор

А. Туйчиев

Кадрлар буюртмачиси:  
"VERITAS" МЧЖ директори

З. Нигманханов

"OMEGA CONSULT" МЧЖ директори

С. Аллабердиев

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими бўлимида бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашида 202\_\_ йил \_\_ \_\_ даги \_\_ \_\_ - сонли баённома